




1-сүрөт. Herbert Wood. The shores of lake Aral – London.: 1876.

Жуўмаклаў. Улыўма алғанда, үлкемиз тәбияты хәм оның курамлық бөлимлеринен бири болған суў хәм суў ресурсларының географиялық атамаларда сәўлелениўин үйрениў, оларды илимий жақтан изертлеў, үлкемиздиң тәбиятының алдыңғы дәўирде қандай болғанлығы, ландшафт компонентлериниң өзгериўи, трансформациясы ҳаққында анық мағлыўматлар билиў имканиятын береді. Сондай екен, Республикамыз ойконимлериниң пайда болыўында салмақлы үлеске ийе болған гидроойконимлердиң муғдарлық хәм аймақлық тарқалыўы нызамлықларын анықлаў, олар үстинде комплекс түрде изертлеўлер алып барыў, тәбийий шараят пенен байланыслы болған басқада географиялық атамаларды илимий жақтан терен үйрениўди бүгинги күнниң актуаль мәселелеринен бири деп есаплаймыз.

Әдебиятлар

1. Абишов Г.М. Чимбой тумани топонимларининг тарихий-лингвистик таҳлили. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Нукус: 2019. 49-б.
2. Ахмадалиев Ю.И. Фарғона вилояти топонимлари. – «Фарғона» нашриёти, 2009. 140-б.
3. Эбдимуратов Қ. Карақалпақ тилининг топонимикасынан очерклер. Филология илимлари кандидаты илимий дәрәжесин алыў ушын усынылған диссертация жұмысы. – Нөкис: 1966. 225-б.
4. Кошанов К.М., Заримбетов А.А. Об исследовании топонимов, происшедших от гидронимов Каракалпакистана. // «Наука и общество». 2012. №3-4. – С. 71-72.
5. Мамбетова Г.Ж. Қорақалпоғистоннинг шимолий туманлари гидронимлари. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Нукус: 2018. 51-б.
6. Охунов Н., Ахмадалиев Ю. Фарғона вилояти ойконимларининг номланиш хусусиятлари. – «Фарғона» нашриёти, 2010. 1
7. Сейтнийзов К.М. Топонимы северных районов правобережья Каракалпакии: Диссертация на соис. к. г. н. –Т.: 1998.
8. Холмуратов И.О. Жанубий Қорақалпоғистон ойконимларининг лисоний тадқиқи. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Бухоро: 2020. 45-б.
9. Herbert Wood. The shores of lake Aral. – London: 1876. –Р. 352.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги сув объектларининг топоним ҳосил қилишдаги роли ва аҳамияти географик жиҳатдан тадқиқ қилинган. Республика ҳудудидаги гидронимлардан ҳосил бўлган ойконимлар ва маҳаллий географик терминлар (топотермин) таҳлил қилинган. Шунингдек, Республика гидроойконимларининг лексик-семантик таснифи ишлаб чиқилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье исследуется роль и значение водных объектов в формировании топонимов на территории Республики Каракалпакстан с географической точки зрения. Анализируются ойконимы и местные географические термины (топотермины), образованные от гидронимов на территории Республики. Также разработана лексико-семантическая классификация гидроойконимов Республики.

SUMMARY. This article explores the role and importance of water objects in the formation of toponyms in the territory of the Republic of Karakalpakstan from a geographical point of view. Oikonyms and local geographical terms (topoterm) formed from hydronyms in the territory of the republic are analyzed. Furthermore, a lexical-semantic classification has been developed the Republic's hydro oikonyms.

ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИНГ КИЧИК ХУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Ш.Б.Қурбонов – география фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети

Қ.Т.Тўраев – ўқитувчи

З.М.Тўраева – ўқитувчи

Термиз давлат университети

Таянч сўзлар: туризм, зиёрат туризми, диний туризм, кичик ҳудудлар, маданият географияси, диний объектлар, ҳудудлар иқтисодиёти.

Ключавые слова: туризм, паломнический туризм, религиозный туризм, малые территории, культурная география, объекты религиозного назначения, региональная экономика.

Key words: tourism, pilgrim tourism, religious tourism, financial territories, cultural geography, objects of religious significance, regional economy.

Кириш. Жаҳонда диний туризм халқаро туризмнинг энг жадал ривожланиб бораётган йўналишларидан бири ҳисобланади. Аксарият динларнинг бешиги ҳисобланган Осиё қитъаси диний туризмнинг энг йирик минтақаси сифатида эътироф этилади. Ҳисоб-китобларга кўра, дунёда йилига ўртача олти юз миллионга яқин диний туристик саёҳатлар амалга оширилиб, уларнинг ярмидан кўпи Осиёга тўғри келади. ЮНЕСКО маълумотларига кўра, “дунё аҳолисининг 60 фоизи бирор бир динга эътиқод қилади ва бу ҳолат халқаро ва ички диний туризмни ривожлантиришнинг катта салоҳияти мавжудлигини кўрсатади” [1].

Таъкидлаш жоизки, дунёда диний туризмни ривожлантириш имкониятлари ва муаммолари, унинг ҳудудий таъкидлаш этилишига бағишланган ижтимоий географик тадқиқотларга устувор аҳамият берилмоқда.

Мазкур тадқиқотларда диний ва зиёрат туризми тушунчаларининг мазмун-моҳияти, ҳудудларнинг диний туристик ресурсларини баҳолаш, диний туризмни туризмнинг бошқа йўналишлари билан уйғунликда ривожлантириш имкониятларини асослаш, зиёратчиларни жалб қилиш учун керак бўлган инфратузилма комплексларини лойиҳалаштириш, диний туристик саёҳатларига бўлган истиқбол талабни ўрганиш ва прогнозлаштириш, диний ва зиёрат туризмнинг ҳудудлар иқтисодиётидаги тугган ўрнини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида туристлар оқимиини шакллантириш ва улар учун зарур шарт-

шароитларни яратиш чора-тадбирлари дастури”да “Ички туризм йўналишида фаолият юритувчи туроператорлар билан ҳамкорликда республиканинг барча ҳудудлари қамраб олинган арзон нархлардаги ички туризм маҳсулот (турпакет) ларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни жойларда кенг тарғиб қилиш” юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган [2].

Ўрганилганлик даражаси. Диний туризмнинг назарий масалалари, унинг ривожланиши ҳамда ҳудудий хусусиятлари кўплаб тарихчи, иқтисодчи ва географ олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, бу масалаларни хорижлик олимлардан К.Гриффин, Р.Раж, К.Гупта, С.Сингх, Б.Паффенбергер, Н.Х.Грабурн, С.Р.Ердавлетов, А.И.Зырянов, Т.А.Прокопенко, С.Ю.Житенов, Д.А.Троицкий, Т.Л.Дудник, С.В.Дусуенко, В.П.Овсянников, В.Н.Якунин, Г.П.Долженко, Л.Б.Савенкова, А.Г.Низамиевларнинг илмий ишларида диний ва зиёрат туризм соҳасини ривожлантириш масалалари тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда диний туристик объектлар, хусусан муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларни ўрганишда тарих ва этнография соҳаларидаги тадқиқотчиларнинг хизматлари катта. Хусусан, Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидаги зиёратгоҳларнинг тарихий тавсифига оид тадқиқотларни А.Қ.Мўминов, Н.Абдулахатов, С.Джураева, А.А.Аширов, З.Абидова, Ф.Ш.Ақчаев, А.Худаёров каби тарихчи ва этнограф мутахассислар бажарган. Мамлакатимизда туризм ва рекреация географиясига оид тадқиқотлар З.Махаматиллаев, А.Зокиров, М.Хошимов, А.Юсупов, Р.Усмонова, И.Хасанов, М.Усмонов, А.Нигматов, А.Низомов, Н.Шамуратова, Б.Камолов, Ш.Якубова, Ш.Шомуродова, М.Маҳмудов ва бошқа географлар томонидан олиб борилган. Бироқ, мамлакатимиз ва унинг минтақаларида халқаро, миллий ҳамда маҳаллий аҳамиятидаги диний туристик маршрутларни ишлаб чиқиш тамойиллари, қўшни давлатлар ҳудудларини ҳам қамраб оладиган трансчегаравий диний туристик маршрутларни яратиш имкониятлари, республикаимизда турли дин вакиллари учун махсус сайёҳлик маршрутларини тузиш истикболлари, диний туристик объектлар жойлашган аҳоли манзилгоҳларидаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилашнинг илмий асослари ҳамда диний туризмни ривожлантиришга оид бошқа ижтимоий географик масалалар кам ўрганилган.

Асосий қисм. Туризм халқаро хизматлар бозори таркибидаги муҳим тармоқлардан бири ҳисобланиб, XXI асрнинг бошида бир қанча салбий омиллар: табиий офатлар, пандемиялар, иқтисодий инқироз ва турли сиёсий моҳиятларнинг бўлишига қарамай жаҳон ҳўжалигида иқтисодий самарадорлиги бўйича етакчи ўринга чиқиб олган. Таъкидлаш жоизки, туризм нафақат ҳудудларни иқтисодий ривожлантиришнинг кучли воситаси, балки, у муайян ҳудуд қиёфасини яратиш, келажак истикболлари ва ўтмишини тарғиб этишда ҳам катта аҳамият касб этади.

Диний туризмдан келадиган даромад баъзи давлатлар бюджетининг асосини ташкил қилади. Масалан, Саудия Арабистони 2019 йил 13 млн зиёратчини қабул қилган бўлса, 2030 йилга бориб бу рақамлар икки бараварга кўпайиб 30 млнга бориши кутилмоқда [1]. Шунингдек, Хиндистоннинг Гужарат штатида ташриф буюрувчи сайёҳларнинг деярли 36% диний сайёҳлар ҳисобланади. Бразилиядаги диний туризм бозори мамлакатдаги энг йирик сайёҳлик сегментларидан бири бўлиб, улар 20 млн кишини ташкил қилмоқда. Ирокнинг иқтисодиётида диний туризм нефтдан кейинчи иккинчи ўринда туради.

Статистик маълумотлардан кўриш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида 2021 йил давомида жами кириш ва чиқиш туризмида 4076,1 минг киши қатнашган. Унинг 46,1 % ёки 1881,3 минг кишини

мамлакатимизга келган туристлар ташкил қилган, республика аҳолисидан 2194,8 минг нафари хорижга сайёҳлик учун борган. Ички туризмда 2162,7 минг киши иштирок этган. Мамлакатимизга келган туристларнинг деярли 86,0 фоизи қариндошларини йўқлаш, зиёрат қилиш мақсадида ташриф буюришган. Келганларнинг кўпчилиги қисми қўшни давлатлар Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон ва Россияга тегишли. Шунингдек, Туркия, Покистон ҳамда Хиндистонлик туристлар ҳам кўпчиликни ташкил қилган [6].

Мамлакатимиз аҳолисининг деярли ярми истиқомат қиладиган қишлоқ жойлари, яъни кичик ҳудудларнинг иқтисодиётида ҳам туризмнинг ўрни ва аҳамиятини юқори. Аксарият туристик объектлар: тарихий, археологик, этник-маданий ва бошқаларда туризмдан келадиган даромад, асосийси аҳолининг айнан тирикчилик манбаи ҳам мазкур соҳа эканлигини таъкидлаш ўринли [3, 4].

Зиёрат туризмнинг кичик ҳудудлар иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти баҳолаш учун бевосита туризм фаолияти билан шуғулланадиган давлат ташкилотлари, жумладан Туризм ва маданий мерос вазирлиги, унинг ҳузуридаги Маданий мерос департаменти, “Вақф” хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмита, Рус православ черковининг Тошкент ва Ўзбекистон епархияси маълумотларидан кенг фойдаланилди. Шунингдек, муқаддас зиёратгоҳлар ва қадамжоларга бориб ўрганилди, адабиётлар, мақолалар, интернет маълумотлари асосида таҳлил қилинди.

Диний туристик объектлар жойлашган аҳоли пунктларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири назарий жиҳатдан ижтимоий географик омиллар, жумладан транспорт географик ўрни, йирик шаҳарларга яқинлиги, бошқа туристик объектлар билан бирикиши, аҳоли сони ва зичлиги катта таъсир кўрсатади. Масалан, Самарқанд вилояти Пайариқ тумани Хартанг қишлоғидаги Ал-Бухорий зиёратгоҳи, Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Зангиота зиёратгоҳларида юқоридаги омиллар яққол сезилади. Аксинча бўлган жойларда, масалан аҳоли манзилгоҳларидан узоқ, аҳолиси сийрак ҳамда транспорт тугунидан узоқда бўлган Сурхондарё вилоятида Суфи Оллоёр, Мавлоноий Зоҳид, Оқ остона бобо каби зиёратгоҳларда ушбу моделнинг самарадорлиги кам намоён бўлади.

Олиб борган тадқиқотлар натижасида Тошкент вилояти Зангиота туманида жойлашган “Зангиота зиёратгоҳи” мажмуаси, шунингдек Сурхондарё вилояти Термиз туманида жойлашган “Ал-Ҳаким Ат-Термизий зиёратгоҳи” мажмуаларида анкета сўровномалар ўтказилди. Ўрганишлар натижасида маълум бўлдики, Зангиота зиёратгоҳи мажмуасида турли лавозимларда ишловчи доимий ишчи-ҳодимлар сони 40 тани ташкил қилади. Шунингдек, зиёратгоҳ жойлашган ҳудудда бевосита айнан зиёратчи ва туристларга хизмат қиладиган 50 тага яқин турли дўконлар томонидан зиёрат буюмлари, эсталиклар сотилади. Ҳар бир дўконда ўрта ҳисобда 2-3 киши банд эканлигини кўриш мумкин. Анкета сўровномалардан маълумки, ишловчиларнинг ўртача ойлик маоши республикаимизда ҳар бир кишига мос келувчи ўртача ойликдан анча юқори. Шу билан бирга, савдо дўконларига сотувга чиқарилган буюмларнинг деярли барча мазкур ҳудудда яшовчи аҳоли томонидан яъни ҳунармандлар, асосан аёллар томонидан тайёрланади ва етказиб берилади. Юқоридагилар билан бир қаторда мажмуа ҳудудини ободонлаштириш ишларида ҳам маҳаллий аҳоли иштирок қилади. Масалан, йилнинг иккита мавсумида баҳорда ва кузда экиладиган гул кўчатлари ҳар бирида икки мингтани ташкил этиб, бевосита гул етказиб

бериш билан шуғуланучи аҳоли мавжуд. Ўрганишлар жараёнида гувоҳи бўлдики, зиёратгоҳга бир кунда ўрта ҳисобда 1500-2000 гача яқин зиёратчи ташриф буюради.



Расм. Зиёратгоҳнинг маҳаллий аҳоли иқтисодий шароитига ва фаолиятига таъсири

Расм Ўзбекистон ҳудудларида муаллифлар томонидан олиб борилган кузатувлар асосида ишлаб чиқилди.

Сурхондарё вилоятида жойлашган Ал-Ҳаким Ат-Термизий зиёратгоҳида 30 га яқин ишчи ҳодимлар фаолият юритади. Зиёратгоҳ атрофида 20 ортик турли зиёрат буюмлари, эсталиклар ҳамда хунарандлар томонидан ясалган буюмлар билан савдо қилувчи

дўконлар мавжуд. Дўконларнинг ҳар бирида ўртача икки киши бандлигини кўришимиз мумкин. Зиёратгоҳ ҳудудини ободонлаштириш учун мингдан ортик турли манзарали ҳамда мевали бута ва дарахтлар парваришланиб келинмоқда. Зиёратгоҳ яқинида вақф тасаррувига қарашли меҳмонхона мавжуд. Аҳолига қулайлик туғдириш мақсадида Термиз шаҳридан кунлик катновчи транспорт воситаси йўлга қўйилган.

Расм маълумотларида зиёратгоҳларнинг маҳаллий аҳолининг иқтисодий шароитига ва фаолиятига таъсирини бир неча зиёратгоҳларда сўровномалар ва ўрганишлар асосида шакллантирди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кичик ҳудудларда иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадлари, умуман олганда ижтимоий географик масалалар ҳудуднинг туризм сектори ўсиши билан яхшиланиши мумкин.

Хулоса. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кичик ҳудудларда туризмни ривожлантириш имкониятлари катта. Бундай имкониятлардан самарали фойдаланиш истикболда минтақавий туризмни ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилади. Айнан шу мақсадда ҳудудда туризмни комплекс ривожлантириш давлат дастури ишлаб чиқилиши зарур. Минтақанинг ички имкониятларидан фойдаланган ҳолда туризм индустриясини ривожлантириш лозим.

Республикадаги қатор зиёратгоҳларида олиб борилган кузатувлар ҳамда социологик ўрганишлар асосида диний ва зиёрат туризмнинг кичик ҳудудлар (зиёратгоҳлар жойлашган аҳоли пунктлари, маҳаллалар) иқтисодийётидаги ўрни ва аҳамияти баҳоланишга ҳаракат қилинди. Ҳусусан, диний ва зиёрат туризмнинг аҳоли бандлигига таъсир этишининг занжирсимон схемаси ишлаб чиқилди. Ушбу занжирсимон модел асосида зиёратгоҳлар жойлашган аҳоли пунктларида кичик ва оилавий тадбиркорликнинг ривожлантириш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Адабиётлар

1. The World Tourism Organization (UNWTO) //www.e-unwto.org/doi/epdf/10.18111/9789284413805.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сон Фармони.
3. Қурбонов Ш.Б. Кичик ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий географияси. –Тошкент: «Мумтоз сўз», 2013. 158-б.
4. Қурбонов Ш.Б. Ўзбекистон қишлоқ туманлари ижтимоий-иқтисодий географияси: монография. –Т.: «Mumtoz so'z», 2019.
5. www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси веб сайти).
6. <https://uzbektourism.uz/> (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги расмий веб-сайти).

РЕЗЮМЕ. Мақолада республикадаги қатор зиёратгоҳларида олиб борилган кузатувлар ҳамда социологик ўрганишлар асосида диний ва зиёрат туризмнинг кичик ҳудудлар (зиёратгоҳлар жойлашган аҳоли пунктлари, маҳаллалар) иқтисодийётидаги ўрни ва аҳамияти баҳоланишга ҳаракат қилинган. Ҳусусан, диний ва зиёрат туризмнинг аҳоли бандлигига таъсир этишининг занжирсимон схемаси ишлаб чиқилган ҳамда у занжирсимон модел асосида зиёратгоҳлар жойлашган аҳоли пунктларида кичик ва оилавий тадбиркорликнинг ривожлантириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

РЕЗЮМЕ. В статье сделана попытка оценить роль и значение религиозно-паломнического туризма в экономике малых территорий (городов, в которых расположены святыни) на основе наблюдений и социологических исследований в ряде святынь республики. В частности, разработана цепная схема влияния религиозно-паломнического туризма на занятость населения, выдвинуты предложения по развитию малого и семейного предпринимательства в населенных пунктах, где расположены места паломничества, на основе цепной модели.

SUMMARY. The article tried to evaluate the role and importance of religious and pilgrimage tourism in the economy of small areas (towns where shrines are located) based on observations and sociological studies in a number of shrines in the republic. In particular, a chain scheme of the influence of religious and pilgrimage tourism on population employment has been developed, and proposals for the development of small and family entrepreneurship in settlements where places of pilgrimage are located based on the chain model have been put forward.

ЎЗБЕКИСТОН ТОҒ ЗОНАСИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ ЙўНАЛИШЛАРИ

Ж.Ж.Туроб – география фанлари доктори, профессор

Тошкент давлат иқтисодийёт университети

Ш.Б.Қурбонов – география фанлари бўйича фалсафа доктори

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети

Таянч сўзлар: тоғ рельефи, тоғ ландшафти (табиати), тоғ одамлари (аҳоли), тоғ маъмурий туманлари, тоғ ҳўжалиги, тоғ ижтимоий-иқтисодий баландик зоналиги (хўжалик), барқарор ривожланиш, салоҳият, иқтисодийёт.

Ключевые слова: горный рельеф, горный ландшафт (природа), горцы (населения), горные административные районы, горное хозяйство, горное социально-экономическое высотное районирование (экономика), устойчивое развитие, потенциал, экономика.

Key words: mountain relief, mountain landscape (nature), highlanders (population), mountainous administrative regions, mining, mountain socio-economic high-altitude zoning (economics), sustainable development, potential, economics.

Қириш. Ўзбекистоннинг улуғвор тоғлари иқтисодий ва миллий маданий бойлиги, бебаҳо мамлакатнинг улкан табиий-экологик, ижтимоий-капитали ва катта “кўчмас” мулкидир. Тоғларнинг